



Қадимий удумларимизни тиклайлик!

ДИЛЛАР ЯЙРАБ-ЯШНАГАЙ МЕҲРИБОНЛАР БЎЛСА ЖАМ

Қуёш ва Ой фалакнинг икки кўзи
замоннинг икки кўзидир.

бўлганидек, Наврўз ва Меҳржон
Абу Райҳон БЕРУНИЙ.

ҲОЗИРГИ маънавийликни, миллий маданиятни ривожлантириш билан уларнинг тарихий манбалари илдизларини, яъни бой маданий қадриятларини ҳар томонлама таҳлил ва тадқиқ этиб, кенг оммага етказиш вазифалари муҳим ҳолга ва сиёсий аҳамият касб этмоқда.

Яқинда жумҳуриятимизнинг ҳурмати отахонлари билан суҳбат-гурунгларида барида: «Байрамлар, маросимлар ҳам халқ кайфиятини маромида сақлаб туриш учун хизмат этар экан, болаларим. Фасли баҳор кези бўлиб ўтган «Наврўз» айёми ва ундаги тадбирлар халқ замида қанчалик кучли таъсир қилган. Халқ байрамлари, маросимлари, сайилларида илҳом борида кўпроқ эътибор берадиган вақт келди...» деб айтган ҳикматли гаплари қалбимга жон бўлиб қолди.

Дарҳақиқат, 1990 йили Наврўз яна ўз таърихига эга бўлди. Айниқса, «Наврўз» телемарафони ушунча оммалаштириб юборди, халқларимиз меҳрини қозонди, қувончга қувонч қўшдики, ҳаммамнинг ёдида узоқ вақт қоладиган улғу тадбирлардан бири бўлди. Кишилар ўша кунлари бир-бирларига айниқса меҳр-шафқатли, самимий ва сажий бўлиб, бир-бирларини англай бошладилар. Йил бошимиз Наврўзга боғлиқ халқ ижодиининг янги чашмалари барқ ура бошлади.

Жаҳондаги барча халқларда она табиятининг турли мавсумларини тараннум этувчи қўшан-қўп ривоятлар, афсоналар, эртаклар қўшдики, шондор томонидан шеърлар битилган, халқ сайиллари бир неча ҳафта давом этган, табиат қўйида жўр бўлиб куй ва қўшқилар икки эртанлар, ҳуллас улар она табиятининг бир бўлағи сифатида ўзларини ҳис этганлар.

Ўрта Осиёнинг буюк алломаларидан бири Абу Райҳон БЕРУНИЙ ўзининг «Қадимий халқлардан қолган ёдгорликлар» деб аталган, биз учун низоҳатда қолган асариди қадимий «Ўрта Осиё, Туркия» ва Афғонистон халқларининг табиат ҳодисалари ва воқеалари билан боғлиқ ўша даврнинг доно кишилари томонидан қашф этилиб, турмушга синдирилган урф-одатлар ҳақида беаҳдо маълумотларни беради, уларни илмий таҳлил этади.

Халқларимиз қадимда деҳқончиликни улуғлаш, ҳурматлаш ва эъзозлаш юзасидан Наврўзни нафақат йил боши — баҳорда ўтказганлар, балки унинг давом сифатида кўзда ҳам «тиргон» яъни «рўзи тир», «Меҳржон»ни (Хоразмда — «Чирирж», сўғдиларда — «Ним сарда» деб аталган) нишонлаганлар.

Наврўзнинг давомиди Меҳржон қадимда байрамлар ичига энг қаттиқ бўлиб, у бир неча кун давомиди. Она заманига, меҳнаткаша таъзим сифатида нишонланган. Ана шу олтун кўз байрамнинг авлодларимиз «Меҳржон» деб атаганлар.

Абу Райҳон БЕРУНИЙнинг юқорида тилга олинган асариди ёзилмиш: «Қуёш ва Ой фалакнинг икки кўзи бўлганидек, Наврўз ва Меҳржон замоннинг икки кўзидир».

Баҳорда Наврўз ойда орзу-ниятлар этилса, ана шу олижаноб режаларнинг ижроси Меҳржон эканлигини, яъни илм билан билимнинг яхлитлигини, ҳаётнинг узвий давомийлигининг асосларининг асоси, манбаидир, деб таъкидлайди.

Аллома ана шу икки мавсум байрамни нишонлаш ҳақида ёзар экан, баҳор билан кўзда кун ва туннинг икки марта тенг келишини таъкидлайди. Демак, Наврўз 21 мартдан 22 мартга ўтар кечда нишонланса, Меҳржон эса 25 сентябрдан 26 сентябрга ўтар кундан бошланади.

Ота-боболаримиз Меҳржон кунлариди дала ва болларга, узум ва қовун сайларига чиққанлар, қавм-қариндошлар бир-бирларини йўллаганлар, бир-бирларига эҳсонлар этганлар, қарияларга совға-саломлар олиб борганлар, қишлоқ озуқа-

ларини гамлашга киришганлар, уй-жойларини қишга тайёрлаганлар, қабристонларни зиёрат этганлар, хас-чўпдан тозалоганлар, нуратанларини суваганлар, ўтганлар ётга олинган, Бозорларда, сайилгоҳларда олтин кув неъматларни савдоси ташкил этилган, қўчор ва бедана, хўроз уриштиришлар, полвонлар чиқишлари, аскиябозликлар жуда ривож топган эди.

Кун ва туннинг тенглиги рамзи матносида ўша кун барча табақадаги, мансабдаги кишилар тенг эканлиги тарғиб этилади, подпоҳлар, вазирлар, ҳуллас амалдор шахслар оддий кийимларда халқ билан аралашиб, ҳушчақчилик қилдилар. Бундай тадбирлар қадимда оддий бир тус олган эди деб ёзилади ўша манбаларда. БЕРУНИЙ «Меҳржон номи билан боғлиқ байрам қадимда машҳур ва номи ой номига мувофиқ эди», дейди.

Меҳр — меҳрибонлик, мурувват, шафқат.

Меҳр — қалб қўри, нури, эътибор эътиг дегани эмасми?

Меҳржон — Она заманининг саховати, сахийлиги, инсонга муруввати — демак!

Биз замондошлар, қайта қуриш, ошкоралик туфайли эндиликда ўз-ўзларимизни англай бошладик. Унутган маънавий қадриятлар илдизларини дилга қайта тайванд этмасак, инсоният фалокат ёқасига келиб қолганини кўрмасак — бу манкуртлик-ку!

Одамзот ҳам табиятнинг бир бўлағи, унинг фарзанди эканлигига имо-ишорак! Эндилкида ана шундай инсонпарвар, дилнавоз байрамларга эътибор берадиган вақт келди.

Она табият эҳтиётсизлик, эътиборсизлик оқибатиди қандай аҳволга келиб қолганлигини энди аниқлаб туримиз. Ўзимиз билмаган ҳолда қатта фожиага замин тайёрлаб қўйибмиз. Бу ўша меҳривонлик оқибатиди юз берди. Она табияти ўз ниятига бўйсундирамиз. деб унинг табиий ҳолатидан, изидан чиқариб юборибмиз. Табиат эндиликда, биздан даҳшатли ўч ола бошлади. Биргина Орол фожияси бутун дунёни ларзага солди. Унинг фожияси — Чернобыль фожиясидан ҳам фожиялироқдир.

Лекин, биз эртанги умидли дунё ташвишлари, келажак авлоднинг бахти билан ишайдиган инсонларимиз.

Табиятнинг табиятига, инсон қалбини табиятига бефори бўлмайлик. Уларнинг бирлиги учун қатъий курашайлик. Қадимий халқларимизнинг маънавий илдизларини тиклайлик, инсоний ранг-баранг удумларни ардоқлайлик, сайқал берайлик.

Келатган XXI асри — биз меҳр-шафқат, муҳаббат, саховат, садоқат асри деб биламиз. Инсоният ана шу катта орзу-ниятлар билан XXI асрга кириб бормоқда. Ана шундай катта орзу-ниятларнинг амалга ошишида замин миришкорларининг яратган ажойиб инсонпарвар Наврўз ва Меҳржон каби удумларига сайқал бериб, камол топтирайлик.

Азиз ҳамшаҳарлар! Келинг, яхшии ҳаммамиз жумҳуриятимизда биринчи мартаба нишонладиган қадимий инсонпарвар удумимиз — Меҳржоннинг — таътирлашган тадбирини (Тошкент шаҳар Маданият Бош бошқармаси томонидан 22—23 сентябрь кунлари М. Горький номидаги болалар боғида ўтказилади) фаол иштирокчиси бўлайлик.

Сизни қизиқарли тадбирлар ва ширин-шарбат нозу неъматлар кутмоқда.

Диллар яйраб яшнагай меҳрибонлар бўлса жам,

Дўстлар висолни қўриб, қўнғил бўлгай хотиржам,

Баҳордек қайтиб келди Наврўз ила Меҳржон,

Қайноқ меҳр бор экан, давримиз бўлсин ажам.

Билан АМИНОВ,
тарих фанлари номзоди, ашшунос.

Лойиҳа устахоналарида

Юнусобод бекатлари

— Эшиклар ёпилади, кеннинг бекат — Чилонзор. Биз ҳар кун турли юмушлар билан йўлга чиққанмишда албатта метро хизматидан фойдаланамиз. Унинг учур поездлари узогимизни яқин қилишга доимо шай туради. Поездларга чиқишдан аввал ўзимиз бўладиган бекатларнинг ўзига хос жилавасига меҳр билан боқамиз. Уларнинг бир-бирини такрорламайдиган безаклари ҳеч қимми ҳаяжонга соямасдан қолмайди. Ер ости қасрининг мана шундай қиёфага эга бўлишида энг аввало лойиҳачи меъморларнинг хизматлари беҳис. Азим

шаҳримизда транспортнинг бу қўлай турини ажузда келтиришга киришилганда бери «Ташметропроект» лойиҳалаш институти лойиҳачиларининг иши юришиб қолди. Уларнинг қўлидан ўтган, ҳозирда ишлаб турган метро бекатлари бизнинг чинакам маданий бойлигимизга айланган. Бироқ бу ҳақи ҳамшаҳарларимизнинг метро хизматига бўлган эҳтиёжини қондиришга қийин қилмайди. Жойларда метро қўрилишини янада кенгайтириш зарур. Метронинг айна пайтда қўрилатган 3-линияси ана шу мақсадга хизмат қилади. Лойиҳалаш институ-

ти мутахассислари янги линиянинг бекатлари лойиҳасини ҳозирлаб қўйдилар. Бу лойиҳалар институт мутахассислар кенгаши томонидан кенг ўрганиб чиқилган, фойдаланишга қабул этилади.

Институт 18 йилдан буюн фаолият кўрсатиб келмоқда. Шу давр мобайнида бу ерда эътиборга молик қўшлаб ишлар амалга оширилди. Такрирлаб лойиҳачилардан Феруза Музаффарова, Яшна Мансуров, Алис Одилова, Абдуворис Табибов сингари ўз касбининг моҳир мутахассислари жамоа ютуқларини бойитиб келмоқдалар.



Уларнинг ҳаммасининг иш стажини жамоаники билан бир хил — 18 йил. Улар айна пайтда ҳам ер ости қасрининг янги бекатларининг ўзига хослигини таъминлаш босқисида қизгин ишларини олиб боришяпти. Метронинг қўрилатган Юнусобод линиясида 8 та бекат бўлади. Ойбек бекатидан чиққан йўловчиларни поездлар Тошкент Ҳалқа йўли яқинидаги Юнусобод бекати билан боғлайди. У бекатларнинг қўрилиши бошланганига ҳадемай бир йил бўлади. Айни пайтда Ўзбекистон ССР Ҳалқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасига кириверишда

метронинг Лоҳутий бекати жадал суръатлар билан барпо этилмоқда. Бошқа ерларда эса поездларнинг ўтиш йўллари ҳозирланапти. Ўзбек тилига Давлат мақоми берилиши билан, барча бекатларнинг номи фақат Ўзбекистонга боғлиқ бўлиши кутилляпти. Шунга монанд ташқи безаклар, қиёфалар ҳам миллий қўрилишда бўлади.

Холмат МИРЗАКАРИМОВ.

● СУРАТЛАРДА: метронинг Юнусобод йўналишидаги лойиҳадаги ички қўрилишлари.

Муаллиф суратлари.



Турмуш чорраҳаларида

Фарзанд доғи

ҚўШНИ маҳаллада кеска бир отахон яшайди. Бу йил юз ёшга тўлди. Ўқувчилик йилларимиз отани ҳар кун кўрардик. Саломимизга мулоимлик билан алик-олар, «Уйларинг узоқ бўлсин, доғларингиз кўрсатмасин» дея дуо қилардик. Кейин бир кўнда ҳасса, бир қўлини орқасига қилганча букчайиб маҳит томон кетарди.

Отанинг тўрт ўғли урушдан қайтмаган. Иккитаси уруш бошланишидан аввал армияга закирланган. Орадан йиллар ўтди. Фарзанд доғида куй-қуй оназор оламан ўтди. Ёлғиз қиз отани олиб кетмоқчи эди, унамади. «Онаги, акаларинг шу ҳовлида яшаган, қандай ташлаб қетаман болам, мана, ўғлинг бинжа-ку», дебди.

Камшир вафот этган ота юролмай қолди. Маҳалла-қўй байрамларида, шодибанларда отани кўрган унга қиришади. У хира торган кўзларини сизга қайдири, танби олмоқчи экан бўлади, қўлигини олади, дуо қилади. У сунгиб ўтирган девор тоқасида эса рамкага солingan бешта сурат туради: она ва тўрт ўғлон сурати. Бир-бирига жуда ўхшаш тўрт баҳодир. Уларга қараб томоғингизга нима дийр тикилади, бехиёт кўзларингиз ёшланади. Билдирмаслик учун лабнингизни қаттиқ тийшайсиз. Ота сезади, оғир хўрсинади: «Оҳ дилбандларим-а». Бу армон қалбингизни ўртаб юборади.

Ота бу йил юз ёшга тўлди. Салкам эллик йилдирки, фарзандларини кутади...

Матонат

БИРИНЧИ сентябрь кунини янги ўқув йили муносабати билан бир мактабга боргандик. Тантанали қисм жуда чиройли ўтди. Айниқса биринчи синф ўқувчиларининг шодлиги кечис эди. Нихот ўқитувчилар уларни синфларга тақдир қилишди. Шу пайт ниҳонинг бехиёт қизча неварасининг пешонасидан ўлиб кузатётган кеска кишига тушди. Шундай бахтли кунда негадир унинг кўзларидан ёш думалариди.

Ҳамма ичкари кириб бўлганч директор мени хонасига тақдир қилди.

— Ҳалиги кишининг кўзлариди ёш сизни ажаблантириди-а, — деди йўл бошлай туриб директор. — Лекин тила одам. Шунча яроқда, матонатни қаердан олди, ҳайрон қоласан киши. Ҳайдар ака уш ўғил бир қиз ичиди кенжаси эди, — давом этди ҳамроҳим, — опаси илч акиси уруш бошлангунча она кўришганди. Опаси уч, акиси иккита фарзанди бўлишганда уруш бошланиб почча ҳам, уч ака-ука фронтга кетишди. Орада опаси оғир бир дардга чалиниб, вафот этди. Келин заводида ишларди, оёғига мотор бўлаги тушиб ногирон бўлиб қолди. Бир йилга етмай у ҳам дувёдан кўз юмди. Беш нафар гудам мулкчиларга камшир қўлида қолди.

Уруш тугади. Тўрт эркакдан фақат шу Ҳайдар ака қайтди. Камшир раҳматлик шуни кутиб ўтирган эканми, кенжотини келиши билан узилди. Бешта порасида унга қайтди. Ушанда ўн ашар бола эдим. Ҳайдар ака ўзини ишга урди. Топганини йилларига илди. Орадан икки-уч йил ўтиб маҳалла-қўй ўзига ўхшаган ҳеч қимми йўл қизга уйлангунча бўлиб қолди. Келин тушган кундан бошлаб то унинг охиригача болаларга оналик қилди. Ҳасан-Зухра қўришганди. Иккалеси ҳам турмади. Қайта фарзанд қўришмади. Ўч йил бурун вафот этди. Ҳалиги биринчи синфга келган қизча Ҳайдар аканинг опаси ўғлидан. Опасининг исмини қўйган.

Директор билан акачага суҳбатлашиб ўтирдик. Яқинда қўриб битказилган спорт залини айландик. Музей ва кутубхонага кирдик.

Соат ўн бирдан ошганда хайрлашиб ташқарига чиқдик. Дарвоза яқиндаги ўриниқда ҳалиги амаки узоқларга тикилиб хаёл сурганча неварасини кутиб ўтирдик...

Равшан БОБОМУҲАМЕДОВ.

Мактубингизни мутасаддилар шарҳлайди

Эътирозларингиз ўринлими?

«Ҳурматли муҳаррир! Яқинда Тошкент Отчопари бозорига борган эдим, — деб ёзишди бир гуруҳа оқшомхонлар, — бу ерда инсон жонидан бўлак ҳамма нарса топилади. Лекин улар чойқовчилар қўлида. Бирни ўнга пуллатетган бу устамолардан қачон кутуламиз?»

Муҳбиримиз ушбу хатни шарҳлаб беришни Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрининг ўринбосари, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети Ички ишлар бошқармасининг бошлиғи Ж. Ю. КАМОЛХУЖАЕВдан илтимос қилди.

Оқшомхонларнинг эътирозларини тан олмай иложимиз йўқ, — деди у. — Зеро, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг жумҳуриятда жониятчиликка қарши курашининг кечиктирилган чора-тадбирлари тўғрисида қўлида қабул қилган қарори ҳам буни рўйроқ исботлаб турибди. Ушбу ҳужжатда «Давлат органдари ҳодимлари билан жониятчиликка бўлган йирик талончилик, чойқовчилик, «сарфдорларни аниқлаш ва уларни жониятчиликка қарши курашнинг жавобгарлиги қўлида туртиш ишларини фаолаштириш йўллари белгилаб олинди» деб таъкидланганча бор. Чунки барча юқори Ички ишлар органдари сингари Тошкент шаҳар Ички ишлар бошқармаси ҳам чойқовчиликка қарши курашнинг фаолаштириш юзасидан турли тадбирларни амалга оширмоқда.

Мисолларга мурожаат қилайлик. Ички ҳафталик текширув мобайнида 377 та чойқовчилик ҳоллари очиб ташланди. Олибсортарилик қилгани учун 208 киши, молларини қонунга хилоф равишда устама нархда сотгани учун 36 киши ушланди. Улардан 42 минг сўмдан зиёд буюмлар тортиб олинди.

Октябрь район ички ишлар бўлимининг БХСС ҳодимлари номига Андиқон вилоятида яшовчи Ўқтам исмли йигит устидан шикоят тушди. Унда хабар қилинишча, бу кимса шаҳримиздаги Октябрь бозорига тез-тез пайдо бўлиб, камбў молларни устама нархда сотаётган экан. БХСС ҳодимлари унинг изига тушунди. Натияжада Андиқон вилоятининг Ленинск шаҳридаги Ибн Сино кўчасида жойлашган 5-уйда истиқомат қилувчи, 1935 йилда туғилган Ўқтам Исмаиловнинг ишлов устиди қўлга тушди. Ушундан эътибори қилиб ҳар бир киши 36 донна шампунь, 20

ишлайди. Истиқомат жойи Жиззах шаҳар, Ленин кўчасидаги 70-уйнинг учинчи хонадониди. У чет элда тайёрланган 62 сўмлик аёллар ички қўйлагининг бир донасини 130 сўмдан сотаётган эди ушунди. Шу кунги Жураеванинг халтасидан 7 та ана шундай қўйлак топилиб, Маълум бўлишча, у Самарқанд вилоятидан аёлларнинг 14 та ички қўйлагини келтириб сотиб 476 сўм фойда кўрмоқчи бўлган.

Ҳозир биз юқорида номларини келтирган Н. Хужаев, А. Адашев, Н. Жураевлар устидан жониятчилик қўлатилиб, тергов ишлари олиб бормоқда.

Махсус ташкил этилган гуруҳлар тартиб бузилиши эҳтимоли бўлган жойлар боғлар, гавкум қўчалар, шаҳсий уйлар жойлашган райодаларда спиртли ичимликлар ва сигаретлар билан чойқовчилик ҳолларини аниқлаш ишларини олиб боришмоқда. Улар ёрдамида қатор жониятлар очиб ташланди. Масалан, шу йилнинг 15 мартда Сергели район ички ишлар бўлимининг БХСС ҳодимлари Тошкент шаҳар, 3-Тинчлик боши берк кўчасидаги 19-уйда яшовчи Сергели район савдо бўлимига қарашли 3-мағазини сотувчиси, 1960 йилда туғилган Хусниддин Раҳимовни спиртли ичимликларни қонунга хилоф равишда сотаётганда ушладил, Аниқлашшча, у узоқ вақтдан бери районга қарашли турли дўконлардан қўллаб-қўлдоғанда ичкилик харид қилиб, унинг ҳар бир пийшасини 15 сўмдан сотиб келган. Қидирув вақтида Раҳимовнинг иш жойидан яшириб қўйилган 31 шиша «Рус», 10 шиша «Столич» арақлари топилиди. Ушбу жоният юзасидан иш қўзғатилиб, Сергели район халқ судининг ҳукми билан Раҳимовга 400 сўм жарима солинди.

Шунингдек, сигарет танқислигиндан фойдаланиб, турли марнадаги сигаретларни устаман нархда сотаётган шахслар ҳам қўллаб ушланмоқда.

Чойқовчиликка қарши кураш тадбирлари давом этиляпти.

Суҳбатни
Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ
ёзди олди.

Қиз қиёфасидаги жосус

— Шарль—Женевьев—Луи—Огюст—Андре—Тимотс—Дэон—де-Бомон! — дея хитоб қилди камеридир.

Людвиг XV қаршисиди ғоз қотган офицерга манаун тикилди.

— Амрингиз баҳо келтирилди, зоти олийлари, — деди офицер тантана билан. — Сизга шахсан қироличанинг мактубини келтирдим!

Қирол шонша-пиша офицер узатган пакетни очди. Елизавета унда Франция билан дўстлигини таъкидлаб, Англия қўлигига қарамай, Россия Франция билан алоқасини бузмаслигини қатъий оҳангда ёзган эди.

Гап шундаки, ўша 1755 йилда Буюк Британия Франция билан урушга тарадуд қўрмоқда эди. Бу урушга Россияни тортиш мақсадида зўр бериб сарой амалдорларини қўлга олиш чорасини кўрарди. Петербургда Англия тарафиди ханцлер Бестужев-Рюмин, Франция тарафиди вице-канц-

лер М. И. Воронцов бош амалдорлар уюшган. Елизавета икки ўт орасида қолган эди. Мана, ниҳот энди мажлис равшан бўлди.

— Зоти олийлари! Россия Францияга қарши урушмайди! Қирол Елизавета Петровнанинг собиқ фрейлини Лия де-Бомон — герцогия офицери Шарль де Эон гапларида ҳақиқат этганини ҳис қилди. Чиндан ҳам тез орада бошланган етти йиллик урушда (1756—1763 йиллар) Россия Франция тарафини олди.

Людвиг XV орадан кўп ўтмай уни яна Россияга юборди. Бу гап Шарль де Эон қиз қиёфасида эмас, балки ўз қиёфасида расмий элчихона ҳодими сифатида Петербургда хизмат қилди.

Разведка тарихида де Эоннинг Петербургда қиз қиёфасидаги сафари рус ва инглиз махфий хизматини доғда қолдирган операция сифатида ёзилган.

Ҳамдам СОДИҚОВ.



Диққат, янги рукун:

«Улар ҳақида
ёзилмас эди»

«Мош» табиб



О Бу кишиларни амалда ҳамма билди. Улар ҳақида ривоятлар юрди. Аммо расмий матбуотда, ойнан жаҳон ёки радиода элга машхур ушбу одамлар тўғрисида оғиз очмас, ойнан этак билан тугмоқчи бўларди.

«Оқшом» муҳарририяти бу «анъана»дан чекинишга қарор қилди. Рўнома-мизда «Улар ҳақида ёзилмас эди» рукуни очилмиш. Бутун сиз тошкентлик гоит машхур «Мош»табиб билан танишасиз.

Кўҳна Шомнинг Шайхонтоҳур даҳаси худудда жойлашган Ҳовузбоз маҳалла-

сида истиқомат қилган фуқароларнинг кўчилиши Туркистон сарҳадида маълум ва машхур бўлишган. Уларнинг орасида айниқса илму маърифати, меҳнат ва саҳовати, ўзбекларга хос ҳиммати билан халқ ичда эъзоз топган «Мошфуруш» табиблар хонадон алоҳида ўрин тутди. Шу хонадоннинг ворислари яна уч асри, тиббиёт оламида элга хизмат қилиб келмоқдалар. Абдуҷаббор Собир, қора ўғли табиблар сулоласининг XX аср за-каки, араб тилини, эски ва замонавий илмин мукаммал эгаллаган замондош-ниш.

— Домла, кўнглингизга келмас, суҳбатингизни ҳамман қизиқтирган савол билан бошласан. Нима учун авлодин-гизни «Мошфуруш» табиблар оиласи деб аташди?

— Бунинг тарихи узун. Бизнинг авлод-аждодимиз, бобоалонларимиз 300 йилдан бери табобатга хизмат қилиб келганлар. Уларнинг ҳаммаси мадраса-ларда таҳсил топиб, ўз замонининг ўқи-миш кишилари бўлган. Тўғри, улар-нинг ҳаммаси ҳам табиб бўлмаганлар. Лекин ўзларининг онгли ҳаёти, илми, касб-кори, меҳнати ва ғайрат-шижоати ила халққа ҳаммаша нафи тегиб келган. Қўлимда қийрий 1288 йилнинг 3 ша-бон ойида битилган восиқнома бор. Уни вилоят қозиси Муҳаммад Рожиб Муҳаммад алим, Шайхонтоҳур даҳаси-нинг қозиси Ҳўнахон Ёқуб қози Расул-хўжа, муфти Муҳаммад маҳмудлар ўз муҳрлари билан тасдиқлашган. Хўжажа-да айтилишича, бобоқонимиз — табиб Аробойни Тошкентдагина эмас, балки Турбат ва Туркистонда ҳам кўпчилик яшай билишган. Унинг мухлислари би-сёр эди. Ул муҳтарам зот табибчиликда элга машхур бўлиб, 87 йил умр кўрган-лар.

Авлодимизга мансуб бўлган машхур кишиларнинг бири Муталбой ҳам анча билимдон, маърифатпарвар киши эди-лар. Муталбой икки мартаба ҳаж са-фарига бўлиб, чет эллик бошқа халқ-ларнинг ҳам турмушлари билан яқин-дан танишган. У киши кўпгина касал-ликларни даволаганлар. Ўша даврда Халқовус анҳорининг бўйида Саркар-далар шифохонаси бўларди. Унда табиб-лик қилган Муталбойга суяк синиши ва чиқинчи даволашда ҳеч ким тенг ке-лмас эди. Ана шу Ҳожи буваимиз 80 ёшларидан қизилардан сўнг битта ўғил кўрганлар. Унинг исми Муҳаммад Шариф бўлган. Бухорода мадрасада таҳсил олиб, «хатми кутб» қилиб келган. Асо-сан тикорат билан шугулланган. Унинг Эски шаҳарда мош дўқони бўлган. Дў-қон идора ваъзфасини ҳам ўтар, юмуш-ларини асосан гўшталар бақарашарди. Ўша йиллари тахминан XVIII асрнинг 70 йиллари бўлса керак. Оқ подшоҳнинг ўрта Осиёдаги вақили — Тошкент ге-нерал-губернатори Кауфманнинг қизининг икки жак суяги чиқиб кетди. Ўз та-библари уйда даволашмагач, охири бо-ларни билан маслаҳатлашиб, Қатортер-лар (ҳозирги Марказий Телеграф)даги табиб-ларга мурожаат қилди. Бу ердан та-библар уни даволашдан қўчишиб, Ҳо-вузбоз (ҳозирги Халқадати «Тоштрам»)га тушунди, уш ерда машхур табиб бор дейишган. Генерал-губернатор дарҳол файтунда бу ерга қизи билан етиб ке-лади. Шунда табиб Муҳаммад Шариф бо-бониз бир зумда унинг икки чакка су-ягини жойига солиб қўйди.

Хўраанд бўлиб кетган маллика: «Хў-жам, сизга қандай миннатдорчилик бил-дирай, нима керак» деб сўрайди.

— Ҳеч нарса керак эмас, — деб жа-воб беради табиб катъий.

Шунда генерал-губернатор ўз файту-нидаги кичик байроқчани олиб, унинг дўқони тепасининг бир четига қистириб кетади. Шу-шу бу ер табаррук жойга айланиб қолади... Шундай қилиб, одам-лар «Табибни қаердан топса бўлади», — деб сўрашганда, «Мошфуруш»дан деб жавоб беришган. Шу баҳона йиллар ўтиб, бу авлодимизнинг тарихий тахал-лусига айланиб кетган.

— Абдуҷаббор ака, мана биз таби-бидегадан инсоннинг умумий ҳола-тини тушунаман. Лекин одам аъзолари бўлақларга бўлинади. Тиббиёт ҳам шун-дай. Сизнинг касбиянгиз эса суякдаги жароҳатларни тўзатишдир. Неге энди бу иш ҳамма ҳақимларнинг ҳам қўли-дан келмайди?

— Инсонга қайси йўл билан бўлсада, ёрдам берилса, дардига малҳам қўйилса бу тиббиётдир. Ҳар бир табиб билгани даражасида ёрдам кўрсатади. Мана кейинги пайтда кўп эшитилган, тиббиётда «тўзатдан табиб бўлаётганлар» бор. Ле-кин юқорида айтганимдек, бизнинг ота-боболаримиз «аъули лисонай» — яъни тилини яқин билишган. Шарқ адабиёти-ни, кўлэмаларни мукаммал эгаллашган. Мадрасаларда ўқишиб, камол топишган. «Илми ташарриқ»ни яқин билишган. Бо-ларимиз ўз истеъдод ва лаққатига кўра асосан «Ҳайкал ул аъён» яъни суяклар жароҳатини тўзатиб келишган.

— Сиз бун қандай ўргангансиз? Бу-нинг учун одамнинг ўзида ҳам истеъдод бўлиши керак. Ёки одам тўғма табиб ҳам бўлиши мумкинми?

— Боболаримизнинг шоғирдлари жу-да кўп бўлган. Лекин улар фақат битта-сигатгина фотиҳа беришган. Фотиҳа олши эса осон бўлмаган. Бунинг учун тер пў-қиб ишлашга, ўқишга, изанишга одам-ларнинг, энг аввало устознинг тахсинига сазовор бўлишга тўғри келган. У пайтда фотиҳа қар қандай қизил дипломдан ус-тун турган. Шоғирт токи фотиҳа олма-гунча касалларни мустақил кўролмаган.

— Афсуски, ҳозирги табибларимиз-нига бўлишининг шартта багарангиз-га айтиб қўя қолади...

— Ҳа, шундайлар ҳам бор. Табиб одам руҳини яқин тушунадиган психо-лог ҳам бўлиши керак. У ҳам шоир, ҳам актёр, ҳам олим бўлиши, насал билан тил топишиб, унинг касби-корига, ла-возимига қараб тиллаша олиши лозим. Бир

сўз билан айтганда, беморнинг миёни-ни чалғита билиши керак. Бу айниқса, суяк жароҳатини даволашда, умуман тибби-ётда жуда муҳимдир.

— Демак, табибнинг маъносидан хулоса шуки, ҳозирги замон врач та-факкурли бўлиши керак демоқчисиз-да?

— Ҳа, албатта. Агар киши ўз устида ишламаса, ўз касби ҳақида қайтурса, тафаккур қилмас, у яқин табиб бўлол-майди. Бир мисол. Ривоят қилишларича, бир донишманд масиҳиди кпрса, бир гу-руҳ кишилар жим ҳалт сўриб ўтиришган эмиш. Аллома бунинг боисини билмоқчи бўлибди.

— Нима билан машғулсизлар?

— Биз тафаккур қилишмиз, — дейи-шдиби улар.

— Диндор, динсиз инсонни инсон да-ражасига кўтарадиган ҳам тафаккур — дебди аллома. — Яратиб қўйилган мав-жудотни, бутун борлиқни тафаккур қи-линглар, шунда эҳзингиз, ақлингиз чархланади...

— Ҳозир кўпгина рўномаларда «на-риги дунёдан келганлар» ҳақида кўп ёзишяпти... Наҳотки, инсондан ҳам та-факкурни кучли бўлган мавжудот бор бўлса?

— Биласизми, ўрта асрнинг бағдод-лик улугъ файласуфи, ислом динини қай-та тириктирганлардан бири Имом Га-золий (ҳижрий 1302 йил)нинг «Ихёул-улум» китобининг 4-жуъзаси 385-саҳи-фасида шундай ҳикоят бор.

Муҳаммад алайҳи-с-саломдан сўради-лар: — Ер юзидан ташқарида, коинотда ҳаёт борми?

— Коинотнинг Мағриб томонидан оп-поқ нурга ўхшаш ер бор. Масофаси қу-ёшдан яқин кунлик нарида. У ерда Ол-дох қиратиб қўйган бир ақлли халқ бор. Улар Оллоҳга ҳеч қачон иёён қилмай-дилар, шак келтирмайдилар.

— Улар одам фарзандими?

— Одам яратилганим, яратилмаганим, улар билмайдилар.

— Шайтон қаерда?

— Уларда шайтон йўқ. Унинг борли-гини ҳам билмайдилар. Лекин одо-ах-лоқ доирасидан кўз юмиб етганчалик ҳам чиқиб кетмайдилар...

— Демак, одов ва ахлоқ юксак да-ражада бўлса, бу ўта мукаммаллик белгиси эмасми?

— Албатта, қаерда одов ва ахлоқ юк-сак даражада бўлса, у ерда тинчлик-то-тувлик, оқоилиятли бўлади. Улар фа-қат борлиқни тафаккур қиладилар, бор-билим ва кучларини эъгулига сарфлай-дилар...

— Табибиз, тўғри. Лекин мана бу номаълул учар йилкичалар балки...

— Билмадим, Лекин эски манбалар-да Зухрода, Миррихда ҳаёт бор дейил-ган...

— Ундай бўлса булар жинимкан?

— Билмадим. Исролда бу нарасга кўп аҳамият берилмаган. Яқин кўзга кўри-найдиган жонзод. Унинг борлиги бизга Қуръондан маълум.

— Абдуҷаббор ака, суҳбатга берилиб, оқшомхонларнинг бир саволи ёрдам кў-тарилибди. Гарчи юқорида авлодингиз ҳақида бироз гап бўлсада, лекин тўли-қ маълумот бўлмади. Шу боис муштарий-ларимизнинг илтимосини бажо келтир-сангиз.

— Ҳовузбоз маҳалласининг масжиди ёнида жойлашган иморат юз йилгача энг кўркамлиги, салобатлиги билан кўзга ташланиб турар эди. У машхур Ҳожи даврида қурилган эди. Табиблар оиласи ҳақиқатан ҳам машхур эди. Бароҳхон мадрасасининг мудариси Баҳоуддин эшон табибнинг уйига келганда Саидка-римбойнинг эшиги олдида отдан тушиб, пидеда кириб келар эканлар. Бу хонадон-да қиш бўйи газалхонлик кечаси бўл-ган. Одат ва ўдумларимиз бўйича но-ринхўрлик, ошхўрлик қилинган. Газал-нинг нозик, қалбни ларзага солувчи ми-сраларидан кўнглилар энгил тортган. Тош-кентнинг энг илғор шоирлари, олимла-рининг бахслари, мушорралари янгра-ган, газаллар ўқилиб, таҳлил қилиниб, хонадалар қуйлашган. Ёзда эса Қо-зи-обод маҳалласининг боғларидаги супа-ларда, ҳовуз бўйларига токи булбуллар хо-ни қилгунча газалхонлик давом этган.

Машхур Ҳожи, яъни Муҳаммад Шу-кур Муталбойдан сўнг эллик беш йил табиблик қилиб, саксон етти ёшларида вафот этганлар. Машхур Ҳожининг иши-ни Муҳаммад Иброҳим давом эттирди. Муҳаммад Иброҳимнинг табиати қулгига анча мойил эди. Завақ ва шавқ ила яша-гани бизга маълум. Бобонинг айтиши-ча, даврининг залварини, тирикчиликнинг оғирлигини шу қулги ентган.

Авлодимизнинг ҳар бир вақили имкон қадар илм олишга, хоҳ ёш, хоҳ қари бўл-син, бир онлик фурсатни қўлдан берма-ган. Аслида ўзимизни илм, табиат аҳли деб ҳисобласак-да, бирок авлодимизда усталар, айниқса машхур боболар кўп бўлган.

Қозибоддаги боғимизда етишган узум, беҳи, тоғ олчасига ҳеч нима тенг келма-ган. Тошкентдаги кўпгина боғларга аъло навли кўчатлар худди шу ердан тар-тиланган.

Бобонинг айтишларига қараганда, Туркиядан келган домла боғимизга ки-риб ҳайратда қолган. «Жаннатни кўр-дим», деган...

Сўхбатдош Тўхтамурод ТОШЕВ.

Миллий меъморчилик асосида

© СОБИР Раҳимов райондаги Сағбон кўчасида янги чойхона фаолият кўрсата бошлади. 120 ўринли бу масканда миллий тансиқ таомлар тайёрланиб, ми-жозларнинг мароқли ҳордиқ чинаришига имкония-ят яратилди.

Бу ердан алоҳида ошхона бўлимида исталган таом тайёрлашга шароит яратилган.

Чойхона миллий меъморчилик асосида қурилиб маданий тадбирлар ўтказиш имкониятлари яратил-ган.

Аъло МУХТОРОВ.

— Навбат ёш хонада Аб-дулла Раҳимжоновга, — эъ-лон қилди диктор. Бир дақи-қа жимликдан сўнг атрофга майин мусиқа оҳанглари та-рала бошлади.

Афғон мавзусида янги кўшиқ, — дея китоб қилди хонада кўй орасида. Илгари Абдулла кишиларни орқа-ли танисам ҳам биринчи бор уни шу ерда кўришга муяс-сар бўлдим.

У дардчил кўшиқ бошлади: Ассалому алайкум онам! Бу оламда зоти муҳтарам Ўқиб бера шу хатни укам Кўз ёшларинг тўкма

Энингданман мангу жонажон.

Ғижжак жүрлигини икром этилаётган бу кўшиқ тинг-ловчини ларзага солгудек эди. Абдулла бу кўшиқни ўша асар йигит руҳиятига кириб икром этаётганлиги учун ҳам кишини жунбушта келтираётган бўлса ажаб эмас...

Игит ҳамон нидо қилар-ди:

Сен йиғласанг олам йиғлайди

Боғларим, ҳам далам йиғлайди

Фардингдан олам йиғлайди

Кўз ёшларинг тўкма онажон

Энингданман мангу жонажон...

Кўшиқ тингач хонадан гулдор қарсақлар билан олқиллашди. Уни бир дам саҳнадан туширишмади. Ўша кунни Абдулла Чустийнинг «Ноз этма», Азия Суянинг «Оху» кўшиқларини ҳам ма-ҳорат билан икром этиб одам-ларга завиқ улашди.

Шинавадалар қар қандай кўшиқча ҳам ошмоқ бўлиб кетавершмади. Шу боис ҳам кўнгулдорларнинг хўрақини қозониш, улар қалбига йўл топишнинг ўзи бўлмади. Ҳар бир тинглов-чи ҳаётда ўз севган кўшиқ-ларини, қалбига яқин хон-даларини излайди. Чунки инсон кўшиқ билан тугилад-ди, кўшиқ билан яшайди...

Шунинг учун ҳам буюк аллома ал-Фаробий «Эй мусиқа олами, яхшиямки сен борсан. Бўлмаса инсо-нинг ҳоли нима кечарди?» деб бекиз айтмаган.

Абдулла катта хонада бўл-маса ҳам ўзининг таъбири билан айтганда «улкан ижод кўчасининг сўғмоғига кич-кила бир чирок кўтариб ки-раётган» йигитлардан. Қал-биди дарди бор киши одам-ларга интилиб яшайди.

Уларга нимадир айттири, кўйлагиси, вигирча бўлса ҳам кўнгулдорчи келди.

Инсон туғилганда ҳеч ким унга сен қўшиқни ёни шоир, пахтакор ёки учувчи бў-ласан демайди. Ҳар бир одам ўзининг турмуш тарзи давомида у ёки бу касбга ихлос қўяди.

Тошкентнинг Ишчилар шаҳарчасида туғилиб, камол-

Санъатнинг сеҳрли олами

яноғидан тўкилган шабнам



аллома ал-Фаробий «Эй мусиқа олами, яхшиямки сен борсан. Бўлмаса инсо-нинг ҳоли нима кечарди?» деб бекиз айтмаган.

Абдулла катта хонада бўл-маса ҳам ўзининг таъбири билан айтганда «улкан ижод кўчасининг сўғмоғига кич-кила бир чирок кўтариб ки-раётган» йигитлардан. Қал-биди дарди бор киши одам-ларга интилиб яшайди.

Уларга нимадир айттири, кўйлагиси, вигирча бўлса ҳам кўнгулдорчи келди.

Инсон туғилганда ҳеч ким унга сен қўшиқни ёни шоир, пахтакор ёки учувчи бў-ласан демайди. Ҳар бир одам ўзининг турмуш тарзи давомида у ёки бу касбга ихлос қўяди.

Тошкентнинг Ишчилар шаҳарчасида туғилиб, камол-

га етган Абдулла жуда ёш-лигиданоқ чилдирма, карнай-сурнай овози келган тўғлар-га боришни ва чоғчуларни-нинг чалишини соатлаб то-мошча қилишни ёқтирарди.

Чилдирманнинг бадабонги, карнайларнинг тантанавор садолари ёш Абдулла қал-биди мусиқага илк бора ҳа-вида уйғотган бўлса неажаб.

Шунинг учун унинг кела-жан ҳаёт йўли аниқ эди. Ўрта мактаб, Тошкент ма-даний-оқартув техникуми, сўнгра армия хизмати... Ҳар-бир хизматда юрган вақтла-рида Абдулланинг мусиқа-га бўлган мурған ҳиссиёти гўнча оғнадек бўлди. Ни-гитли бурчин Икромжон Бўринов раҳбарлигидаги жумҳурият чики кўшиқлари дастасида ўтади. У дастлаб доира чалди, сўнгра хор

билан кўшиқлар айта бош-лади. Даста асосан Туркистон ҳарбий округига қарашли ҳарбий қисмларда бўлиб концертлар беради. Абдул-ла ўша вақтларда «Посбони-миз» (В. Саъдулла), «Тош-кент ироғи» ҳақида «Сеғоҳ» қаби мутақаббил кўшиқлар-ни ҳам мустанил икром эта-диган бўлди.

Яхши кўшиқлар икром-чиси Икромжон акадан дои-мо миннатдорман — дейди доим Абдулла. — У киши менга кўшиқни қадрлашни ўргатдилар...

Абдулла Ангрэн педагоги-ка олийҳуқини филология қулиётини тутатган пошта-тимзадан 14-хўна-техник-ка билан юртига мусиқа муаллими бўлиб ишлай бошлади. Бу ерда у дора-чилар, кейинчалик «Диёр»

деб номланган кўшиқчилар дастасини тузди. Дастанинг моҳир созандалари Қаҳ-ромон Назиров, Шоолим Зоки-ров ҳамда Рустамжон На-ромовлар билан Тошкент вило-ятининг Ангрэн, Тўйта, Оҳангарон шаҳарлари ва Қу-мўшқон дам олиш уйида ма-роқли концертлар беришди.

Абдулла Раҳимжонов бир неча йилларни ёшлик радио-станцияси билан ҳамкорлик қилиб келмоқда. «Камалак» радио эшиттириши ҳақида «Кўшиқ ҳаммаша ҳамроҳ» те-лекўрсатувларида қатнаш-ди.

— Ўн йилдан ортиқ вақт-дан бери таъинли хонада Ҳуломжон Ёқубов билан яқин икромий алоқадан, — дейди Абдулла. — Улар менга кўшиқ айтиш сирла-рини, сўз танлаш маҳорати-ни ўргатиб ҳақиқий устоз-лик қилмоқдалар.

Ёш хонада айтган кўшиқ-лар одамлар қалбиди илқиз қиз қолдирмоқда. Бу унинг мусиқага, кўшиқчиликка бўл-ган ихлоси ва тинимсиз меҳнатининг мевасидир. Бу-гунги кунда унинг реперту-ридаги «Янглишди доно ҳам» (Ю. Шомансур), «Тинч бўлсин жаҳон» (Назармат), «Мармарт» (Г. Журават), қаби кўшиқлари эфир орқа-ли тингловчиларга етиб бор-ди.

Шу кунларда Абдулла янги кўшиқлар икром этиш устида тинимсиз изланмоқ-да. Самарқандлик шоира Эрнатон Шукрованинг «Ёр келсанг» шеърига куй ба-сталапти. Ёш бастакор Али-шер Расулов Абдуллага Чустий шеърига ёзилган «Ёр-ёр» кўшигини ўргатмоқ-да.

Абдулла Раҳимжонов кўшиқлари гуллар ёнида тўнғилган шабнамдек серил-ва, беғубор ва покизади. У шаффоф томилар аввал ирмоқларга сўнгра санъат-нинг сеҳрли уммоқларига кўшилиб кетса ажабмас!

Пўлат НИШОН.

© СУРАТДА: Хонада Аб-дулла Раҳимжонов (ўнгда) янги кўшиқ яратиб пайтида.

Болалар китоби ҳафталиги

«МАҚСАД—ДЎСТЛИК

© Эртага пойтахтимиздаги Ленин комсомолни номли ма-даният ва истироҳат боғида болалар китоби ҳафталиги очилишига бағишланган катта сайл бўлади.

Ушбу байрам қандай ташкил этилаётгани ҳақида гапи-риб беришни илтимос қилиб, муҳбиримиз жумҳурият Ёзу-чилар уюшмаси болалар адабиёти кенгашининг раси, ёзу-чи Сафар Барноева мурожаат этди:

— Ўрта Осиё жумҳуриятлари ва Қозғистон миқёсида биринчи бор болалар адабиёти ҳафталиги ўтказилди. У катта сайл билан очилди. Эртасига, 17 сентябрда ҳафта-лик катнашчилар икки гуруҳга бўлиниб Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларига жўнаб кетишди. Сабаби, бу икки вилоят 1990 йил болалар адабиёти ҳафталиги тад-бирини ўтказувчи марказ бўлиб хизмат қилди.

— Айтингчи, бошқа жумҳуриятлардан қайси болалар ёзувчилари қатнашади?

— Тожикистондан Рудакий мукофоти совриндори Убай Ражаб, Қирғизистондан Омон Қорасарт, Туркменистон-дан Огадиди Оганазаров, Қозғистондан Султон Қалдиев, умуман, ҳаммаси бўлиб ўн нафар болалар шоир-ёзувчи-ла-

ри таширф бўюришади. Жумҳуриятимиздан эса ҳамма болалар ижодкорлари иштирок этишади.

— Сафар ака, китоб сайли фақат пойтахт ўқувчилари учун ташкил этилгандек бўлиб қолмаптими?

— Ўтган йили «Менинг биринчи китобим» таловини эълон қилган эдик. Ҳозирча бу таловда эллик нафар ўқувчи иштирок этди. Шундан қирқтаси вилоятлардан, 10 таси Тошкентдан. Ўшалар расмий таклиф қилиниб, го-либлар аниқланади.

— Бу байрамнинг асосий ташкилотчилари қайси идора-лар?

— Жумҳурият комсомолни Марказий Комитети, Ўзе-кистон китобхоналар жамаиоти, шунингдек, Халқ таълими вазирилик ҳамда Ёзувчилар уюшмаси ҳамкорликда таш-кил этиляпти. Бунинг ўнатишдан асосий мақсад болалик-дан бошланган дўстлик мустаҳкам бўлади. Яна энг му-ҳими болалар адабиётини ривожлантириш. Фикримча, Ўрта Осиё жумҳуриятлари бу борада бошқа жумҳурият-ларга нисбатан оряда.

Дилмурод ОБЛАЕВ.

Уя талашганлар

(ВОКЕИ ЭРТАК)

Қалдирғочлар айвонга
Айвондаги равога
Қўришмоқчи бўпти ин,
Моҳир экан шундайкин.
Битта-чи, бозанда
Лой ташдан оғзада.
Қўриганлар кўш ахлига
Одатга — ақлига
Қолишбди ҳайрон-лол.
Ишларар экан ҳалол.
Уч-тўрт кўш орасида
Равоининг тепасида
Уя бўлибди таёр.
Қаран

1.00 Футбол, СССР чемпионати,
МАСК — «Торпедо», 2-тайм,
В. И. Ленин номидиги Марказий
стадиондан олиб кўрсатилади.
1.50 РСФСР Олий Совети сес-
сиясининг кундалиги.
2.50 Теннис. Дэвис кубоги, СССР
— Испания терма командалари.